

## ҲАРБИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АКАДЕМИЯСИ ТИНГЛОВЧИСИ

**Чоршанбиева Гавхар Орифовна**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Қуролли Кучлар ҳаёти ва фаолиятида, ҳарбий кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларини ўрганиш ҳамда ҳарбий хизмат фаолиятига ҳарбий хизматчиларни тайёрлашда педагогика фани алоҳида ўрин тутганлиги ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** армия, фаолият, ҳарбий, педагог, низом, тарих, инсон, мутафаккир, дунё.

Армия ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлганидан бери шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялаш ҳарбий фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган ва шундай бўлиб қолади. Ушбу таркибий қисм ўз мазмуни бўйича амалий ҳарбий педагогика ҳисобланиб, ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама жанговар ҳаракатларнинг муваффақиятли амалга оширишига зарурий, мажбурий восита бўлиб хизмат қилади. Дастлаб ҳарбий педагогика кўмондонлар ва бўйсунувчиларнинг амалий фаолияти сифатида пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан жангчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги билимлар тўпланиб, улар авлоддан-авлодга афсоналар, ривоятлар, мақоллар, маталлар тарзида етказилган. Ҳарбий ишларнинг мураккаблиги, айниқса, давлатларнинг шаклланиши, нисбатан кўп сонли доимий қўшинлар яратиш даврида ҳарбий педагогик фикр янада ривожланиб борди булар эса тегишли тажриба кўрсатмалар, қўлланмалар, низомлар, буйруқлар ва бошқа ёзма манбаларда ўз аксини топди.

Ҳарбий педагогика ва унинг ривожланиш жараёни мазмунига мамлакатнинг тарихий ривожланиш шарт шароитлари, кўп вақт давомида у ёки бу мамлакат армиясининг ҳал қилувчи вазифалари, шахсий таркибнинг миллий хусусиятлари ва бошқалар ўз таъсирини кўрсатди.

Энг қадимги ҳарбий тарбиялаш ҳақидаги ёдгорликлар бизгача бевосита етиб келмаган туркий ва форсийзабон халқларнинг ҳаёт кечириш санъати, донолик мажмуаси сифатида юзага келиб, борлиққа амалий муносабатда бўлишнинг намунаси сифатида эътироф этилган маънавий маданият ёдгорликлари қадимги грек тарихчиси Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География” ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” каби асарлари, шунингдек, Урхун-Енисей битиклари каби адабий-тарихий манбаларда сақланган ва улар орқали бизгача етиб келган. Ушбу ёдгорликлар моҳиятини ўрганиш инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта рол ўйнаганлигидан дарак беради.

Энг қадимги манбалардан бошлаб, кейинчалик пайдо бўлган таълимий-ахлоқий асарларда ҳам назарий, ҳам амалий масалалар таҳлил этилганки, унинг асосида инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммоси марказий муаммо бўлган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан бошлаб, Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Саъдийнинг “Гулистон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Абдулла Авлониининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” ва бошқа жуда кўп дидактик асарларнинг ҳар бирида инсон камолоти муаммоси ёритилган.

Тарихга назар ташласак, комил инсон характери ва хулқ-атвори қандай деган масала билан Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирлар ўз асарларида Комил инсон характери, эзгу ва одил хислатларни уч хислатга жам қилганлар: “Сахо – бор нарсани ҳеч кимдан қизғанмаслик; Сафо – қалбни кибру – ҳаво, гина - қудрат, қасд – ғазабдан поклаш; Вафо – ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш”.

Шундай қилиб, Саховатлилик фақат моддий ёрдам билан эмас, балки ўзгача илм ато этиш билан ҳам бўлади. Сафолик (поклик) эса бировнинг қалбини нурга тўлдириш, Вафолик ўзганинг бахтидан хушнуд бўлишидир.

Демак, Комил инсон ўз характери, ахлоқи ва одоби билан ўзгани тарбиялайди, ўзига бахт ато этади. Унинг характери, ахлоқи жамиятда типикдир, характер типиклашмаса комиллик бўлмайди.

Зеро, Комил инсонда эзгу ва одил характерни шакллантириш учун қалбни тарбияламоқ лозим. Мутафаккирларнинг фикрича, кишиларда беш хил қалб бор: “Ўлик қалб- ҳеч нарсага интилмайдиган қалб; хаста қалб - янгиликка ҳаваси бор, лекин интилмайдиган қалб; хаста қалб – янгиликка ҳаваси бор, лекин ёрдамга муҳтож қалб; ғофил қалб – ҳикмат (онглилик) нуридан бебаҳра қалб; уйғоқ қалб – нури бор, бироқ тарбияга муҳтож қалб; тирик қалб – ўз бахтини топган ва ўзгага бахт берувчи қалб”. Комил инсон ана шундай тирик қалбга эга бўлиш билан бирга улуғ характерга эришади. Демак, биз миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқурани ҳарбий таълим тизими жараёнида қўллашда бўлажак ҳарбий хизматчиларнинг қалби, онги ва шууридаги туйғуларини шакллантиришга, қалби ва онгини ёт унсурлардан асрашга, ниҳоят ундаги эзгу туйғуларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Хулоса қилиб тафаккур юрита олиш қобилиятига эга бўлган инсон камолотини таъминлаш жараёни ҳамда жамиятнинг ижтимоий тараққиёти ўзаро узвий алоқада шаклланган. Мазкур тарихий жараён моҳиятини билиш бизга инсон тафаккурининг жуда узоқ давр ва мураккаб шароитларида шаклланиб борганлигидан далолат беради.

**ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:**

1.Бабанский Ю.К. Педагогика: Учебное пособие. М.: Просвещение, 1999. – 356 с.

2.Барабанчиков.А.В, Дерюгин.П.П. Военно-педагогическая диагностика: (теория, опыт, проблема).М.: ГАВС, 1995.108 с.

3.Барабанчиков А. В., Давыдов В. П, Феденко Н. Ф. Основы военной психологии и педагогики. М.: Просвещение. 1988.

4. Климов Э.А. Основы психологии. Учебник М., 2002.

5. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021. – 22с.

6. Ф. Умаров. Развитие профессиональной компетентности будущих офицеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.01 теория педагогики. История педагогических наук Ташкент - 2021. – 21с.